



НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Асадов Элдоржон Низомиддин ўғли

“Низомиддин” нодавлат таълим
муассасаси раҳбари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5574512>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021
Ma'qullandi: 10- oktabr 2021
Chop etildi: 15- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

нодавлат нотижорат
ташкilotлар,
фуқаролик жамияти
институтлари,
жамоатчилик.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада нодавлат нотижорат ташкilotлари фаолияти самарадорлигининг ошишига, шунингдек, нотижорат ташкilotлари фаолиятининг назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкilotлари фаолиятининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Республикамызда ҳам мустақилликка эришилгандан сўнг, нодавлат нотижорат ташкilotлари фаолиятининг принциплари конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилди. Ўтган давр мобайнида муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётимизда асрларга татийдиган ўзгаришлар рўй берди, бу ҳолат фуқаролик жамияти институтларига ҳам тааллуқлидир. Энг асосийси, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини акс эттирувчи, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган ҳамда давлат институтлари билан ўзаро манфаатли алоқаларга кириша оладиган нодавлат нотижорат ташкilotларнинг кенг ривожланиши

учун ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди.

Бугунги кунда, фуқаролик жамияти институтларининг муҳим бўғини бўлган нодавлат нотижорат ташкilotлари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаб, давлат дастурларини амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, тиббий ва экологик масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этаётир.

Жамиятини шакллантириш йўлидаги ҳаракатлар унинг муҳим



институтларидан бири ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотларга мўайян вазифаларни юклаш масаласини келтириб чиқаради. Жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши учун нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз олдига қўйган вазифаларни оғишмай амалга ошириши зарур.

Нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этилишининг афзаллик томонлари қуйидагилардан иборат:

аҳоли ўртасида ишсизлик камайиб, янги иш ўринлари яратилади;

инсонлар маълум бир ғоя атрофида бирлашиб, ижтимоий ҳаётдаги баъзи муаммоларини ҳал қилинишига ўз ҳиссаларини қўшадилар;

аҳоли бўш вақтидан унумли фойдаланиб, жамият учун зарарли иллатлардан йироқлашадилар (м: гиёҳвандлик);

ташкилотдаги иш жараёнида ёшларда ҳаётий кўникма ҳосил бўлади ва мустақил ҳаётга тайёрланадилар ва ҳ.к.

Жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз фаолиятларини такомиллаштиришлари ва бу борада баъзи вазифаларни амалга оширишлари зарур. Нодавлат

нотижорат ташкилотларнинг жамиятдаги вазифаларини ўрганиб тадқиқ қилган олимлар С.Жўраева¹, А. Гонорская², Ш.Назаров³лар асосан бу борада умумий ва асослантилган фикрларни бериб ўтадилар.

С.Жўраева фуқаролик жамияти институтларининг вазифалари сифатида кўпроқ сиёсий-ҳуқуқий жиҳатига эътибор қаратади. Жумладан, «аҳолининг сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишига кўмаклашиш ўз таъсир доирасидаги фуқароларни ҳукумат томонидан қабул қилинган ёки тайёрланаётган қарорлар тўғрисида хабардор қилиш, қарор қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш йўлларини тушунтириш»⁴деб қайд этилган. Шунингдек, тадқиқотчи С.Жўраеванинг фуқаролик жамияти институтларининг «жамиятдаги низоларни ҳал қилувчи институт вазифасини ўташ» борасидаги фикрлари бироз ноаниқ ифодаланган. Айнан қайси турдаги низолар (оилавий, касбий ва ҳ.к.)ни қайси турдаги нодавлат нотижорат ташкилот ҳал этиши мумкинлиги масаласи очиқ қолдирилган.

Мутахассис А. Гонорская нодавлат нотижорат ташкилотларнинг кўпроқ молиявий вазифаларига эътибор қаратиб, «чет эл донорларидан

¹ Жўраева С. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.2009. № 4. –Б.24.

² Гонорская А. В. Обеспечение занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан с использованием потенциала негосударственных некоммерческих организаций (на примере женской занятости): Дис.кан.экон.наук. – Т.: 2002. – С.118.

³ Назаров Ш.Н. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли(назарий ва ҳуқуқий масалалар):.Автореф.дис. ... юрид.фан ном.-Т,2009.-Б.17.

⁴ Жўраева С. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.2009. № 4. –Б.24.



мустақил»⁵ бўлишлари лозимлигини, шунингдек фаолият юритиш чегарасини «йирик шаҳарлар чегарасида, қишлоқ туманлари-да фаоллаштириб кенгайтиришни»⁶ назарда тутди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вазифалари борасида мутахассис Ш.Назаровнинг фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Жамоатчилик ташкилотларининг фуқаролик жамиятини шаклланти-ришдаги ўрнини белгиловчи жиҳатлар тўғрисида тўхталар экан, кўпроқ ҳуқуқий нуқтаи назардан қонуний асослашга ҳаракат қилган.

«Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вазифалари турлича. Лекин асосий вазифаларидан бири – турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини артикуляция қилиш, яъни кишиларнинг бир-бирига ўхшаш алоҳида манфаатларини умумий мақсад ёки манфаатлар доирасида бирлаштиришдир»⁷. Бу ўринда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тўғрисида билдирилган фикр унинг вазифаси фақатгина бир гуруҳ шахслар доирасида амалга оширилиши билан чекланишига олиб келиши мумкин. Бу фикрга қўшилиш бироз ноаниқлик келтириб чиқариши мумкин. Зеро, нодавлат нотижорат ташкилотлар бутун жамиятнинг эҳтиёжларини ўрганиб, уларга хизмат кўрсатиши ва ўз олдига

мақсад қилиб қўйган вазифаларни амалга оширишлари лозим.

Бошқа бир гуруҳ муаллифлар нодавлат нотижорат ташкилотлар амалга оширадиган вазифаларни тадқиқ этар эканлар, уларнинг кўрсатадиган хизматларидан келиб чиқиб фикр билдирадилар. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар «хайрияга оид, маърифий вазифаларни бажарувчи»⁸ ҳисобланса, бошқалари «фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга»⁹ хизмат қилади.

Профессор Лестер Саламон америкаликлар ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотлар хизмат кўрсатиш, қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя ва алоҳида манфаатлар ҳимояси, жамиятни жипслаштириш вазифаларини¹⁰ бажаришини қайд этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилот-ларнинг жамиятда амалга ошириши керак бўлган вазифаларини қуйидагича таснифлашга ҳаракат қилдик:

Инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш борасидаги вазифалари –

⁵ Гонорская А. В. Обеспечение занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан с использованием потенциала негосударственных некоммерческих организаций (на примере женской занятости): Дис.кан.экон.наук. – Т.: 2002. – С.118.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Муаллифлар жамоаси Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни

модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида.-Т.: Академия,2005.-Б.109.

⁸ Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.-Т.:Ўзбекистон, 2007.-Б.203.

⁹ Ўша жойда.

¹⁰ Электронный журнал ЮСИА том 3, номер 1, 01.01.1998.



академик А.Х.Саидовнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари – бу демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир¹¹. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда ва миллий ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида: «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» деб белгиланган бўлса, 26-моддада «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас» деб кўрсатилган.

БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида: «Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар(1-модда), «Ҳеч ким қулликда ёки эркин ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари таъқиқланади»(4-модда).

Бундан ташқари нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш билан бирга бу ҳуқуқлар ҳимояси бўйича ҳам самарали ишларни амалга оширмақдалар.

Соғлиқни сақлаш борасидаги вазифалари - Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг йирик фаолият соҳаларидан бири оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий маданиятни

ошириш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий таълим бериш учун зарур шароитларни яратиш ҳисобланади.

Ижтимоий ҳимоя тизимини амалга ошириш борасидаги вазифалари-Ижтимоий ҳимоя тизимини амалга ошириш учун кам таъминланган оилалар, қариялар, қаровсиз қолган болалар, ногирон-ларга амалий ёрдам кўрсатиш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш бу борадаги асосий вазифа ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иш билан таъминлаш борасидаги вазифасига тадқиқотчи Ф.Мусаев аксинча ёндошиб, қуйидагича фикр билдиради: «аслида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш бу ташкилотларнинг асосий мақсад-вазифаларига кирмайди. Шунга қарамай, дунё миқёсида ҳам, юртимизда ҳам «учинчи сектор»да банд аҳоли сони ошиб бораётгани кузатилмоқда»¹².

Бу турдаги вазифанинг нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан бажарилиши нафақат ижтимоий ёрдамнинг молиявий манбаси бўлиб хизмат қилиш, балки умуман ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш, унинг самарадорлигига кўмаклашишдан иборат бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар давлат ва фуқаролар орасида боғловчи вазифасини бажариб, уларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига жалб қилиши ҳаётий заруратга айланибгина қолмасдан амалиётда ҳам ўз ифодасини топиши

¹¹ Саидов А.Х.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари – Т.:Адолат,1998.-Б.6.

¹² Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.-Т.:Ўзбекистон, 2007.-Б.206.



зарур. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз олдига қўйган вазифаларни оғишмай амалга оширсагина ҳақиқий демократик фуқаролик жамияти қуришга асос ҳозирланган бўларди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларнинг профессионалигини

ошириш, улар ишлаётган соҳада тажрибага эга бўлиш, турли иш методлари, моделлари ва воситаларни жалб қилиш санъатини билишлари лозим. Нодавлат нотижорат ташкилотнинг самарали ривожланиши учун давлат, бизнес ва нодавлат нотижорат ташкилот ўртасидаги, шунингдек, ҳаракат ичидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Жўраева С. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.2009. № 4. –Б.24.
2. Гонорская А. В. Обеспечение занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан с использованием потенциала негосударственных некоммерческих организаций (на примере женской занятости): Дис.кан.экон.наук. – Т.: 2002. – С.118.
3. Назаров Ш.Н. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли(назарий ва ҳуқуқий масалалар):.Автореф.дис. ... юрид.фан ном..-Т,2009.-Б.17.
4. Жўраева С. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.2009. № 4. –Б.24.
5. Гонорская А. В. Обеспечение занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан с использованием потенциала негосударственных некоммерческих организаций (на примере женской занятости): Дис.кан.экон.наук. – Т.: 2002. – С.118.
6. Муаллифлар жамоаси Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида.-Т.: Академия,2005.-Б.109.
7. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.- Т.:Ўзбекистон, 2007.-Б.203.
8. Электронный журнал ЮСИА том 3, номер 1, 01.01.1998.
9. Саидов А.Х.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари – Т.:Адолат,1998.-Б.6.
10. Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари.- Т.:Ўзбекистон, 2007.-Б.206.